Ishonch
2011-yil 29-noyabr № 142 (3023)

# Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга бағишланган халқаро симпозиум

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида аҳоли соғлигини, жумладан, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, соғлом наслни вояга етказиш, бу борада ягона миллий тизимни яратиш, тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш йўлида амалга оширилган туб ислоҳотлар самараларини чуқур таҳлил қилиш илмий анжуманнинг асосий мавзуси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқаро симпозиумнинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 ноябрда қабул қилинган фармонига мувофиқ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен ЖССТнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятини ташкил этиш ва бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ривожлантириш, хотин-қизлар ва болалар соғлигини сақлашнинг Глобал стратегиясини амалга ошириш борасидаги улкан хизматлари учун I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Маргарет Ченга мамлакатимизнинг ушбу юксак мукофотини топширди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен ўз сўзида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасига, шу жумладан, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга улкан эътибор қаратилаётгани, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бош устувор йўналиш этиб белгиланганi нафақат бугунги кун, балки келажак нуқтаи назаридан ҳам энг тўғри стратегия эканини алоҳида таъкидлади.

Маргарет Чен Президентимизга юксак мукофот учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Халқимизнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни тарбиялаш, фармацевтика маҳсулотларини юртимизда ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун барча зарур шароитлар яратилди. Бу борада қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги фармони соҳани тубдан ислоҳ этишда муҳим босқични бошлаб берди.

Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар жиҳатдан соғлом авлодни вояга етказиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган. Ўзбекистон қўшилган дастлабки халқаро ҳужжатлардан бири ҳам 1992 йил 9 сентябрда парламентимиз томонидан ратификация қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциядир. 2008 йил 8 январда Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни кучга кирди.

Давлатимиз раҳбарининг 1993 йил 4 мартда қабул қилинган фармонига мувофиқ таъсис этилган мустақил Ўзбекистоннинг илк ордени «Соғлом авлод учун» деб номланишида эзгу мақсад мужассам. Бу — баркамол авлод орзусини рўёбга чиқариш, жисмоний ва маънавий соғлом ўғил-қизларни вояга етказиш йўлидаги кенг кўламли ишларнинг ўзига хос тимсолидир.

Она ва бола саломатлигига бағишланган мазкур нуфузли анжуманнинг Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланган жорий йилда қуриб битказилган «Маърифат маркази»нинг симпозиумлар саройида ўтказилгани соғлом авлодни тарбиялаш масаласига қаратилаётган изчил эътиборнинг амалдаги яна бир намоёни бўлди.

Ҳаёт давомийлигининг асоси бўлган аёлни, наслимиз давомчиси бўлмиш фарзандларимиз саломатлигини асраш — бу миллатни, халқни асрашдир. Фарзандга, оила ва жамият таянчи, соғлом, баркамол авлодни дунёга келтирувчи ҳамда тарбияловчи аёлга меҳр-эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидандир. Истиқлол йилларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида бу борадаги эзгу анъана ва урф-одатларимиз янгича маъно ва мазмун билан бойиб бормоқда.

Соғлом она — соғлом бола деган улуғ ғояни барча юртдошларимизнинг қалби ва онгига чуқур сингдириш, баркамол авлодни вояга етказиш масаласи том маънода умуммиллий ҳаракатга айланди. Соғлом авлод деганда, аввалambор соғлом наслни тушунамиз. Бу борада мамлакатимизда «Соғлом она — соғлом бола» дастури асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, миллат генофондини мустаҳкамлашга йўналтирилган тадбирлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Симпозиум ялпи мажлисида Ўзбекистонда яратилган тиббий хизмат кўрсатиш тизими, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икромов, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси директори Жужанна Якаб хоним, ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича минтақавий директори Стивен Аллен, Латвия Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ингрида Цирцене, Озарбойжон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири О.Ширалиев, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Анита Нироди, ЮНФПАнинг Марказий Осиёдаги субминтақавий офиси директори Николай Ботев, Европа педиатрлар ассоциацияси вице-президенти, Европа педиатрлари илмий қўмитаси президенти Мануэль Мойа (Испания), Сеул Миллий университетининг педиатрия маркази президенти, Корея Республикаси Болалар кардиологлари ассоциацияси президенти Жунг Ил Но, Гарвард тиббиёт мактабининг халқаро дастурлар бўйича илмий жамиятлар қўмитаси раиси, профессор Эдвард Жеймс (АҚШ), «Save the children» халқаро ташкилоти вакили Но Бо Ким (Корея Республикаси), «Шарите» клиникаси профессори Роланд Вауэр (Германия), «Им Парк» кардиожарроҳлик клиникаси директори Паул Фогт (Швейцария) ва бошқалар сўзга чиқди.

Улар ўтган даврда Ўзбекистонда тиббий хизматнинг жаҳон андозалари даражасидаги ўзига хос миллий модели яратилганини таъкидладилар. Сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берувчи, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва турли йўналишларга ихтисослаштирилган марказларни қамраб олган тиббий муассасалар тармоғи ташкил этилди. Вилоятларда катталар ва болалар учун кўп тармоқли шифохоналар, янги туғруқ мажмуалари барпо этилди, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини, хусусан, қишлоқ врачлик пунктларининг базаси мустаҳкамланди.

Болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва 13 минтақавий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларидан иборат ягона тизим яратилди. Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг минтақавий филиаллари, минтақавий перинатал марказларда оналар ва чақалоқларга юқори технологиялар асосида ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Она ва бола скрининги» Давлат дастури асосида юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий скрининг марказлари ташкил этилди. Бу кўплаб туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволашни юқори даражага кўтариш имконини бермоқда.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган Республика Репродуктив саломатлик маркази ва унинг 13 минтақавий филиали юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантиришга оид билимларини оширишга хизмат қилмоқда.

Овқатланишни яхшилаш аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича миллий стратегиянинг таркибий қисмларидан биридир. Бу борада мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш учун зарур қонунчилик ва меъёрий база яратилди. «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳомиладор аёлларни таркибида соғлиқ учун зарур микронутриентлар мавжуд махсус поливитаминлар билан таъминлаш орқали соғлом ва баркамол фарзандларни дунёга келтириш бўйича амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирлари жаҳонда кам учрайди. Давлатимиз томонидан поливитаминлар хариди учун маблағ ажратилиб, ҳар йили қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган ҳомиладор аёллар соғломлаштирилмоқда, оналар саломатлиги мустаҳкамланмоқда, болаларнинг туғма нуқсонлар билан туғилишининг олди олинмоқда. Унни зарур микроэлементлар билан бойитиш, тузни йодлаш дастурлари ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, туғруқлар ўртасидаги муддатни узайтириш, эрта ҳамда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, тиббиёт соҳаси кадрлари малакасини ошириш, ҳомиладорлар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатадиган муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, аҳолини репродуктив саломатлик масалалари тўғрисида кенг хабардор қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оммавий жалб этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бехатар оналикни таъминлаш, самарали перинатал парвариш, гўдаклар реанимацияси, кўкрак сути билан эмизиш, болалар ўсиши ва ривожланишини мониторинг қилиш бўйича лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Халқаро анжуман қатнашчилари Симпозиумлар саройида ташкил этилган мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида эришилган ютуқларга бағишланган кўргазма билан танишдилар.

Симпозиум иштирокчилари шўъба мажлисларида илмий муҳокамаларни давом эттирдилар.

Телеконференция воситасида Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги «Наврўз» қишлоқ врачлик пунктида ўтказилаётган туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш ҳафталиги, Жиззах вилоятидаги скрининг марказида ҳомиладор аёлларни тиббий текширувдан ўтказиш, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган вилояти филиалидаги иш жараёнлари билан танишдилар.

Симпозиум қатнашчилари Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент шаҳридаги болалар шифохоналари фаолияти билан танишдилар. Тиббиётнинг турли йўналишларига ихтисослаштирилган клиника ва марказларда бўлиб, сателлит-конференциялар, мастер-касслар, мамлакатимиз мутахассислари билан ҳамкорликда жарроҳлик амалиётларида иштирок этдилар.

Анжуман якуни бўйича Халқаро симпозиум резолюцияси қабул қилинди.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири**

---

***Тошкентда 25-26 ноябр кунлари «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзуида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Форумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Бош директори Маргарет Чен иштирок этди. ЎзА мухбири ЖССТ раҳбари билан мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараларининг аҳамияти, Ўзбекистон ва ЖССТ ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари, шунингдек, жаҳонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятни ривожлантириш йўналишлари ҳақида суҳбатлашди.***



## Маргарет Чен:

# «Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш модели — дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун намунадир»

***— Муҳтарама Чен хоним, Президент Ислом Каримов сизга симпозиумнинг очилишида Ўзбекистоннинг энг нуфузли давлат мукофотларидан бири — I даражали «Соғлом авлод учун» орденини топширгани билан табриклашга ижозат бергайсиз. Бу юксак мукофот сизнинг бутун дунёда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишига қўшаётган улкан ҳиссангизнинг эътирофидир...***

— Мен Ўзбекистон Президентидан ушбу юксак мукофотга лойиқ топгани учун ғоят миннатдорман. Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунларидан она ва бола саломатлигини таъминлашни устувор вазифа сифатида белгилади. Бу эса бугунги кун ва келажакни ўйлаб қўйилган ғоят муҳим қадам эди. Ўзбекистон Президентининг бу борадаги ёндашув ва қарашлари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан яратилган ва муваффақиятли амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» моделининг номланишида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Мамлакатингизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга улкан ва доимий эътибор қаратилмоқда, бу борада Ўзбекистон эришаётган муваффақиятлар ғоят юксак баҳога муносибдир.

Таъкидлаш керакки, она ва бола саломатлигини таъминлаш ўта муҳим ва мураккаб вазифа ҳисобланади. У биринчи тиббий ёрдам, стационар даволаш, доимий профилактика кўрикларини ўтказиш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, иммунопрофилактика ва скрининг орқали ташхис қўйиш, шунингдек, ихтисослашган тиббиёт хизматлари каби соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинларини ўз ичига олади. Ўзбекистонда ушбу барча бўғинларнинг фаолияти комплекс равишда ва халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этилган. Бу эса она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича миллий моделни ҳаётга татбиқ этиш доирасида юксак самаралар бермоқда.

Ўзбекистон бундай хайрли ва кенг кўламли ишларни сайёрамизнинг кўплаб минтақаларида одамлар катта қийинчиликларни бошидан кечираётган бир пайтда муваффақиятли амалга оширмоқда. Жорий йилда дунёнинг қатор мамлакатларида мисли кўрилмаган табиий офатлар, фуқаролар ўртасида можаролар рўй берди. Биз глобал инқирозлар кетма-кет содир бўлаётган мураккаб бир даврда яшаяпмиз. Иқтисодий вазият тобора ёмонлашиб бормоқда. Аксарият мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ҳаддан зиёд ошиб кетди. Бу, айниқса, кам таъминланган оилаларда етарлича тўйиб овқат емасликка сабаб бўлмоқда. Оқибатда касалланиш ҳолатлари кўпаймоқда.

Мамлакатингизда аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттасил ошиб, умр кўриш давомийлиги юксалмоқда. Ўзбекистон бу билан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Бунда иммунопрофилактика ишларининг тўғри ва самарали йўлга қўйилгани муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистонда аҳолини изчил ва самарали эмлаш дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бундай ёндашув, айниқса, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, аҳоли ҳаётига таҳдид солиши мумкин бўлган хавфли юқумли касалликларни тез аниқлаш ҳамда тарқалишининг олдини олишда ғоят муҳимдир.

***— Сизнингча, Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларида белгиланган она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш вазифалари қай даража муваффақиятли амалга оширилмоқда?***

— Жорий аср бошида дунё давлатлари Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Она ва бола саломатлигини яхшилаш ушбу мажбуриятларнинг энг муҳимларидан биридир. Ўтган давр мазкур мақсадларга эришиш йўлидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаш ва бу борада саъй-ҳаракатларни бирлаштириш катта аҳамиятга эга эканини кўрсатди. Бир неча ўн йиллар мобайнида бутун дунёда оналар ўлими кўрсаткичи йилига ярим миллиондан ошмади.

Бироқ, сўнгги ўн йилда шиддатли ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдик. ЖССТ ва ЮНИСЕФнинг 2010 йилги статистик маълумотлари оналар ва болалар ўлими анча камайганини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ушбу соҳада катта муваффақиятларга эришаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ваҳоланки, халқаро тажриба шуни кўрсатадики, оналар ва болалар ўлимининг олдини олиш осон иш эмас. Бунинг сабаблари кўп. Уларнинг айримларигагина тўхталиб ўтиш мумкин. Биринчидан, бу муаммо кўплаб мамлакатларда, одатда, баландпарвоз гаплару юксак ваъдалар бериш билан муҳокама этилади. Аммо, мавжуд тажрибадан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, сиёсий ирода ва қатъият билан мустаҳкамланмаган бундай «ғамхўрлик» ҳеч қачон тараққиётга олиб келмайди. Бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда мустақилликка эришилган 1991 йилдан сўнг оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат сиёсати ва бу хайрли ишга содиқлик юксак даражада намоён бўлди. Бу давлатингиз раҳбарининг узоқни кўзлаб олиб бораётган оқилона сиёсатининг амалий самарасидир.

Иккинчидан, ҳеч бир мамлакатда, айниқса, қишлоқ жойларда сифатли, яхши ривожланган, нисбатан арзон ва барча фойдаланиши мумкин бўлган тиббий хизматларсиз оналар ва болалар ўлимини камайтиришга эришиб бўлмайди. Бу, шунингдек, кўп жиҳатдан, малакали шошилинч тиббий ёрдам билан ва ундан фойдаланиш имкониятларининг нечоғли кенглигига ҳам боғлиқ. Ўзбекистон ушбу вазифаларни соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш ва уни халқаро принциплар, хусусан, биринчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш нормаларига мувофиқлаштириш ҳамда аҳолининг тиббий хизматлардан тенг фойдаланишини таъминлаш орқали самарали ҳал қилмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу ислоҳотлар нафақат жамиятда ижтимоий адолатнинг мустаҳкамланишига, балки катта иқтисодий самарадорликка эришишга ҳам хизмат қилмоқда.

Хотин-қизлар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашдаги муаммолар нафақат тиббий хусусиятга эга, балки ижтимоий, маданий ёки сиёсий омиллар билан ҳам боғлиқдир. Бу муаммоларни қонунчилик ва ижро ҳокимияти органлари томонидан қатъий қўллаб-қувватланадиган энг юқори давлат даражасидаги одилона сиёсатни амалга ошириш орқалигина камайтириш, ҳаттоки, уларга бутунлай барҳам бериш мумкин. Бу Ўзбекистон мисолида ёрқин намоён бўлмоқда.

***— Тошкентда ўтган халқаро симпозиум натижалари ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик...***

— Бутун жаҳон ҳамжамияти учун ўта муҳим мавзуга бағишланган ушбу симпозиум юксак савияда ташкил этилди. Форум иштирокчилари дунёнинг турли давлатлари тажрибаси билан танишиш, илғор амалиётларни ўрганиш имкониятига эга бўлдилар ва бу борада амалга ошириладиган истиқболдаги вазифаларни белгилаб олдилар. Ҳар бир мамлакат ўзига хос ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги муаммоларни ҳал этишда кўп жиҳатдан мавжуд шарт-шароитларга боғлиқлигига қарамай, бу борада муваффақиятга эришишнинг бир неча муҳим йўллари бор.

Бундай нуфузли халқаро симпозиумнинг айнан Ўзбекистонда ташкил этилгани бежиз эмас. Мамлакатингизнинг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, бу тизимнинг барча бўғинларини замонавий талабларга мувофиқ ислоҳ этиш, соҳа инфратузилмасини яратиш, юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, соҳага жалб этилаётган инвестициялар ҳажмини мунтазам ошириб бориш ва улардан самарали фойдаланиш соҳасидаги тажрибаси бутун дунёда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бу борада Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти олдида турган вазифаларни ҳал этишга ҳар томонлама чуқур ёндашуви унинг соғлиқни сақлаш миллий моделида ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Президенти аввалбошданоқ аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ислоҳ этиш борасида жуда тўғри стратегия ва устувор йўналишларни белгилаб берган. Жумладан, хотин-қизлар ва болалар саломатлигини таъминлаш мақсадида ислоҳотларни изчил давом эттириш мамлакатингизнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишида муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистонда бу мақсадларнинг бир қанчасига эришиб бўлинди.

Президент Ислом Каримов томонидан эълон қилинган «Соғлом она — соғлом бола» тамойилининг ҳаётга татбиқ этилиши бугунги ва келажак баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги энг тўғри йўл бўлиб, ҳар бир одамнинг ва бутун аҳолининг саломатлигини таъминлашнинг кафолатидир. Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш модели бошқа кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин, деган фикрни мен ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Тошкентда ўтган халқаро симпозиум давомида биз бунга яна бир бор қатъий ишонч ҳосил қилдик.

Пировардида Ўзбекистон халқига ўз олдига қўйган юксак вазифаларни амалга оширишда улкан муваффақиятлар тилайман. Мамлакатингиз билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўртасидаги самарали ҳамкорлик бундан буён ҳам муттасил кенгайиб боради, бу хотин-қизлар ва болалар саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонаман. Зеро, сайёрамизнинг келажаги айнан шу масаланинг нечоғли ижобий ҳал этилишига боғлиқдир.

**ЎзА мухбири**
**Анна ИВАНОВА суҳбатлашди**

---

# Мустақиллик — халқимиз бахти, саодати

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби, шубҳасиз, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Асар юртдошларимиз ўртасида, халқаро маданий доираларда катта қизиқиш ва эътибор билан ўрганилмоқда.***

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши мажлислар залида Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан мазкур асар мазмун-моҳияти, аҳамияти мавзуидаги илмий-амалий конференция ҳам таассуротларга бой тарзда ўтди.***

Унда шаҳар касаба уюшма фаоллари, маънавият тарғиботчилари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

— Тарихан қисқа даврда босиб ўтилган ғоят мураккаб, айни пайтда шарафли тараққиёт йўли, муваффақиятларимиз дунё ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда тан олинмоқда. Ушбу ютуқ ва марраларимизга оғир синов ва машаққатлар эвазига эришилганини англашда бу китоб ишончли манба ва амалий қўлланмадир. Ундаги аниқ мисоллар, назарий ва амалий хулосалар истиқлол остонасидаги жараён ҳақида маълумотлар беради, — деди бирлашма кенгаши раиси Н.Насимов анжуманни очар экан. — Асарнинг энг муҳим икки жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчиман. Биринчидан, китоб истиқлолга эришишимизнинг шу вақтга қадар атрофлича ёритилмаган саҳифаларини ҳар томонлама чуқур исботланган, рад этиб бўлмайдиган аниқ тарихий ҳужжатлар асосида очиб беради. Шу тариқа турли уйдирмаларни усталик билан ишлатиб, бу бўшлиқни ғаразли мақсадда тўлдиришга, шу масалада кимларнингдир режа ва буюртмаларини бажаришга, бошимиздан кечирган тарихий воқеаларни бузиб талқин этишга қаратилган уринишларга ҳеч қандай имкон бермайди. Иккинчидан, китоб суронли йилларнинг энг ишончли ҳужжати сифатида вақт ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган ноёб маълумот ва манбаларни тиклади. Шу сабабли асар тарихимизни сохталаштиришга йўл қўймасдан ҳаққоний яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг чуқур ўрганиб, англаб етиши учун мустаҳкам замин яратди.

**М.ҚУРОНОВ, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари:**

— Бу китобда ўша замоннинг тазйиқи остида бугунги кунимизнинг режалари қандай тузилгани, ғоялари қандай пайдо бўлгани ва бу ғояларнинг бугунги рўёбини кўрамиз.

Асарни ўқиган ҳар бир киши бундан 20-23 йил ортга хаёлан кўчади. Ўша йилларни яшайди. Ўша кунларни тасдиқловчи кўплаб мисоллар топади. Фарғона, Бўкада бузғунчилар ёққан алангaнинг аччиқ тутунини ютгандек бўлади. Марказнинг тазйиқларидан сесканади. Йиғлаётган оналар, гўдакларнинг кўз ёшини кўргандек бўлади. Миллий боғимиздаги Мир Алишер Навоий ҳайкали очилишида муҳтарам Президентимизга қўшилиб халқ билан аҳду паймон қилгандек бўлади.

Китобда тафаккуримизни жиддий ўзгартирадиган факт, интервю ва суҳбатларни ўқиймиз. Уларга эътибор қилсак, 1989-1991 йиллардаги «Биз ким эдик?» деган саволга жавобни кўрамиз.

Бугунги кунда юртдошларимиз эришаётган натижалар барчамизни қувонтираяпти. Улуғ аждодларимизнинг аксариятини халқимиз билмасди. Эндиликда улар фахримизга айланди. Ҳозир сизу биз учун одатий ҳол бўлиб қолган нарса йигирма йил олдин тасаввурга сиғмайдиган ҳолат эди. Энг муҳими, муваффақиятларимизни дунё ҳамжамияти катта қизиқиш билан ўрганаяпти ва қўллаяпти.

**С.ОСТОНОВ, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири:**

— Дунёдаги ҳар бир халқ, миллат учун энг катта бахт унинг мустақиллигидир.

Мазкур китобдан мамлакатимиз мустақилликка эришиш олдидан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий аҳвол қандай эди, деган саволга тўлиқ жавоб оламиз. Шу боис бу нашрни юртимиз ҳаётида жуда муҳим воқеа сифатида баҳолаш керак. Сиз билан бизнинг вазифамиз бу китобнинг аҳамиятини ёшларимизга тушунтириш, уларнинг юрак-юрагига сингдиришдан иборат.

Китобда шундай фактлар келтирилади: «Республика иқтисодий кўрсаткич бўйича охирги ўринларда эди. Асосий маҳсулотларни истеъмол қилиш бўйича Иттифоқдош республикалар орасида энг охирги ўринлардан бирида эдик». Бу ижтимоий муаммо, одамлар саломатлиги билан боғлиқ масала эди. Ўша пайтларда оналар, болалар ўлими, аёлларимизнинг турли оғир касалликларга мубтало бўлиши кўпайиб кетганди. Сут, тухум истеъмол қилиш бўйича энг охирги ўринлардан бирида эдик, дейилади. Ўша пайтда Республика аҳолисининг 42 фоизи бечораҳол яшарди. Бу дегани ярмиси дегани. Мактаб ва шифохоналарнинг 60 фоизи нобоп, қишлоқ шароитдаги мактаблар ачинарли аҳволда эди.

Ҳа, китоб ватанни севиш, халқни ардоқлаш ҳақида сабоқ беради.

**О.АШУРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Ҳеч эсимдан чиқмайди, «пахта иши» бошланган даврда биз ҳарбий хизматга чақирилдик. Армияда Ўзбекистондан борган йигитларга панжа орасидан қаралрди. Табиийки, далада ўсган бола рус тилидан таълим олмаган. Шу боис уларнинг рус тилини тушунмаслигидан кулишганда менга алам қилган.

Ҳарбий хизматдан қайтганимизда Президентимиз мамлакат иқтисодий ночор бўлишига қарамасдан мустақилликни эълон қилди. Ўтган даврдаги тараққиёт йўлимиз эса бу танловнинг нечоғли тўғри эканини кўрсатди. Истиқлол билан ҳамқадам бўлиб, олиб борилаётган сиёсатни тўғри тушуниб, тадбиркорликни ривожлантиришга ҳаракат қилдим. Натижада, ўша пайтларда олдимга қўйган мақсадларимга тўлиқ эришдим.

Шу маънода биз ўқиб-ўрганаётган китоб тарихий аҳамият касб этади. Негаки, ёшларга ўша кунларни тушунтириб, бугунги доримомон кунларга шукрона келтириш ҳаммамизнинг вазифамиз.

*Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати П.Свешников, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти бош муҳаррири А.Абдураззоқов ва бошқалар Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби мазмун-моҳиятига, бугунги кундаги аҳамиятига атрофлича тўхталиб ўтишди.*

**Салим АБДУРАҲМОНОВ,**
**Акмал ТОШЕВ,**
**«Ishonch» мухбирлари**

## «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

*Касаба уюшмасига хат келди. Чекка туманлардан бирида яшовчи муаллим мактаб раҳбари уни ноҳақ ишдан бўшатганини айтиб, ҳуқуқи тикланишида ёрдам сўраган. Мурожаатни ўрганиш Миржалол Отабековга юклатилди. Текшириш давомида муаллимнинг ҳақлиги аён бўлди. Аммо директор хатосини тан олгиси келмасди. Катта тажрибага эга касаба уюшма вакили раҳбарнинг бурч ва вазифалари ҳақида сўз юритди. Жонли мисоллар, рад этиб бўлмас фактлар қоидабузар раҳбарга таъсир қилди. У хатосини тузатиб, азият чеккан муаллимдан узр сўради...*

*Миржалол Отабеков фаолиятида бундай мисоллар кўп. У жамоат ташкилоти нуфузи ва мавқеини ошириш йўлида тинмай ҳаракат қилаётган фидойилардан. Тонгни идорада қаршилаб бўлса-да, муаммоларни вақтида ҳал этишга одатланган.*



# Фидойи, заҳматкаш, жонкуяр

Миржалол 1968 йилда педагогика институтининг физика-математика факултетини тугатиб, ўзи ўқиган Боёвут туманидаги 4-мактабда иш бошлади.

Кечагина ўзига таълим-тарбия берган ўқитувчилар билан бир сафда ишлаш Миржалолга ҳам масъулият, ҳам қувонч бахш этарди. Ўқувчиларга физикадан дарс берар экан, бу фаннинг дунёси, физик ҳодисаларни акс эттирувчи тўгараклар, тажрибалар ўтказиш билан ўқувчиларнинг қизиқишини оширди. Шу билан бирга, жамоат ишларида ҳам фаоллик кўрсатди. Тиниб-тинчимаслиги боис тезда эътиборга тушди. Уни вилоят халқ таълими бошқармаси мактаб инспекторлигига ишга олишди.

1975 йил май ойининг охири эди. 28 ёшли М.Отабековни бошқарма бошлиғи Д.Сулаймонбеков (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) хонасига чақириб, Гулистон туман ХТБга мудир бўлиб боришини айтди. У кутилмаган таклифдан иккиланганида, Сулаймонбеков: «Ёшсиз, эплаб кетасиз», дея далда берди.

У иш фаолиятини мактаб ва боғчаларнинг моддий техника базасини яхшилаш, муассасалар ҳудудини ободонлаштиришдан бошлади. Мактаб раҳбарлари, ўқитувчиларнинг масъулияти, маҳорати, малакасини оширишга алоҳида эътибор берди.

Вилоят раҳбарияти М.Отабековнинг етарли тажрибага эга бўлганлигини кўриб, 1982 йилда уни вилоят ХТБ бошлиғига муовин этиб тайинлашди. Бу вазифада у 4 йил самарали ишлади.

1986-1988 йилларда эса вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг услубхонасида ишлаган М.Отабеков таълим-тарбия ишларини услубий жиҳатдан яхшилашга муносиб ҳисса қўшди.

Кейинчалик у Гулистон шаҳридаги Улуғобод қўрғонида янги қурилган 12-мактабга директор этиб тайинланди. Мазкур мактаб ҳам тезда вилоятда тилга тушган педагогик жамоага айланди.

1994 йилнинг ноябрида Миржалол Отабеков зиммасига галдаги масъулият юкланди. У Янгиер шаҳар халқ таълими бўлими мудири сифатида иш бошлади. Бу ерда ҳам ўзининг янгилик яратиш ва илғор усулларни ҳаётга татбиқ этишга иштиёқини намоён этди. Жумладан, 1995-1996 ўқув йилида шаҳар мактабларида ўқувчилар билимини баҳолашда кўп балли тизимни жорий эттирди.

2002 йилда М.Отабеков юрак хасталиги билан касалланиб, жарроҳлик столига ётди. Саломатлиги масъулиятли вазифада ишлашга имкон бермади.

2003 йилда Миржалол Отабековни таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашига ишга таклиф этишди. Бу вазифа тармоқ ходимлари меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ бўлгани учун ҳам рад этолмади. Касаба уюшмалари иши ниҳоятда серкирра ва масъулиятли. Айни вақтда кишилар меҳнатинг эвазига сендан миннатдор бўлиб: «Раҳмат, сиз туфайли мушкулим осон бўлди», деган сўзлари ҳузур бахш этади.

Касаба уюшма аъзолари Миржалол Отабековни ўзларининг ҳимоячиси, маслаҳатчиси деб билишади. Муаммолари бўйича оғзаки ёки ёзма мурожаат этиб, у кишининг жавобидан қониқиш ҳосил қилишади. Нафақат тармоқ ходимлари, бошқа соҳа вакиллари ҳам М.Отабековга ташкилотларидаги турли масалалар юзасидан мурожаат қилишади.

— Маъмуриятнинг ноқонуний хатти-ҳаракати туфайли ишдан бўшатилдим, — дейди Мирзаобод туманидаги 7-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Абдурашид Сатторқулов. — Шундай пайтда аҳволингни тушуниб, ёнингни оладиган одамга эҳтиёж сезаркансан. Миржалол Отабеков жонимга оро кирди. У кишининг саъй-ҳаракати билан ишга тикландим. Касаба уюшмасининг меҳнаткашларга қайишадиган шундай фидойилари доимо бор бўлишсин.

Юксак ишончга сазовор М.Отабеков яқинда Гулистон шаҳар таълим, фан ва маданият ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитасига раис этиб сайланди. Одамлар меҳри, ҳурмат-эътибори бугун ҳам қаҳрамонимизни ёшларга хос шижоат билан ишлашга ундамоқда.

Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Миржалол Отабеков 5 нафар фарзанднинг отаси, 12 нафар набиранинг бобоси. Фарзандларидан бири ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасида, 2 нафари тадбиркор, 2 қизи ота изидан бориб таълим соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

— Истиқлол йилларида касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг мазмун ва моҳияти тубдан ўзгарди, — дейди Миржалол ака. — Барча соҳаларда ислоҳотларни чуқурлаштириш орқали халқ фаровонлигини таъминлаш, меҳнаткашлар, айниқса, ёрдамга муҳтож, кўп болали оилалар, кекса, ёлғиз қариялар, ногиронлар, ёш болали оилаларга бўлган ғамхўрликни кучайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Демак, касабақўм фаоллари бу жараёнларнинг олдинги сафида бўлиши даркор.

Мухтасар қилиб айтганда, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этиш жараёнларида, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда Миржалол Отабеков каби жонкуяр касаба уюшма фаолларининг ҳам хизмати катта бўлмоқда.

**Абдусамад ҚЎЛДОШЕВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилоят кенгаши раиси**

***Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Малика Акмаловани кўпчилик фидойи етакчи сифатида билади. У 2006 йилдан буён касаба уюшма тизимида фаолият кўрсатади. Ходимлар ҳуқуқ ва манфаати йўлидаги жонкуярлиги Малика опанинг жамоа ишончига сазовор бўлишида қўл келди.***

# Юзидан нур ёғади

Бошланғич ташкилот сафида 3328 нафар аъзо бўлиб, 2855 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида аёллар ва оилавий юмушларни бажариш билан машғул бўлганларга қўшимча имтиёз ва кафолатлар белгиланган.

Жамоа шартномасига асосан 2-гуруҳ ногиронлари ва фарзанди 2 ёшга тўлмаган ходимларнинг меҳнат таътилига 3 кун қўшиб берилмоқда. Жорий йилда касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан 70 нафар аёлга моддий ёрдам берилди. Наврўз байрамида эса боқувчисини йўқотган нафақадаги 10 нафар аёл ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-салом улашилди. 2011-2012 ўқув йили учун кам таъминланган ходимларнинг 150 нафар фарзандига 4 млн. 20 минг сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди.

Аёлларни спортга жалб қилиш борасидаги ишлар ҳам эътиборга сазовор. 2-шаҳар поликлиникасида волейбол, енгил атлетика ва стол тенниси бўйича аёллар жамоаси ташкил этилиб, уларга спорт кийимлари ва волейбол тўпи олиб берилди. 5- ва 8-оилавий поликлиникаларда ҳам шахмат-шашка ва стол тенниси, 6-шаҳар поликлиникасида стол тенниси ва енгил атлетика бўйича жамоалар тузилди. Шунингдек, Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси тизимидаги силга қарши кураш диспансери, кўп тармоқли поликлиника, 9-, 10-оилавий поликлиникалар ва марказий шифохонага стол тенниси тўплами олиб берилди.

Тиббиётчиларнинг касб байрами муносабати билан 69 нафар ходим мукофотланди. Бу йил ёзда кам таъминланган ходимларнинг 65 нафар фарзанди Янгиқўрғон туманидаги «Камалак» болалар дам олиш масканида соғломлаштирилди. Бундан ташқари, 9 нафар аёл сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклади. Йўлланмаларнинг 50 фоизи касаба уюшмаси маблағидан қопланди.

Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида кўплаб маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари амалга оширилмоқда.

Келгуси йил учун «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига 30 та обуна режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар «Ishonch» газетасига 25 та, «Ishonch-Доверие» газетасига режадаги 5 та ўрнига 7 та обуна ташкил этилди.

Малика Акмалованинг тиниб-тинчимаслиги, фидойилиги ана шу ютуқлар калити бўлди. Жонкуяр касабақўм опа доимо ҳамкасбларининг оғирини енгил қилиш, уларга нафи тегишидан ўзини бахтли ҳис этади.

**Феруза ЭРМАТОВА,**
**Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассиси**

# Шаҳрисабздаги Нодирабегим

***Инсон ҳаётида исм ҳам катта аҳамият касб этади. У болалигидан оташқалб шоира Нодирабегимга ҳавас ила ўсди, унга муносиб бўлишга интилди. Тинимсиз ўқиди, жамоат ишларида фаол бўлишга ҳаракат қилди. Интилишлар бесамар кетмади. Нодира Эргашева олий ўқув юртини тарих мутахассислиги бўйича тугаллаб, ёш авлодга таълим-тарбия беришга киришди. Халқимизнинг асрлар давомидаги шонли ва шукуҳли, армонли ва изтиробли кунларини дарс жараёнида ўғил-қизларга теранроқ англатишга эътибор қаратди.***

2006 йил Шаҳрисабз туманидаги 107-ўрта мактабнинг фойдаланишга топширилиши Нодира Эргашеванинг меҳнат фаолиятида янги саҳифа очди. Мураббий янги таълим масканида сабоқ бериш билан бирга, касаба уюшма қўмитаси раиси лавозимида ҳам иш бошлади. Янги педагогик жамоанинг аҳиллигини таъминлаш, улар ўртасида турли маънавий-маданий тадбирлар уюштириш, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя каби бир-биридан савобли ишларга шўнғиб кетди.

Нодирахон кишилар дардига қулоқ тутди. У ҳар бир мурожаатни жиддий эътиборга олиб, мактаб маъмурияти ва тармоқ касаба уюшмаси туман бирлашган қўмитаси билан ҳамкорликда юзага келган муаммо ечимини топишга ҳаракат қилди.

— Педагог дарсни ўқувчига мукаммал ўргатиши учун руҳияти турли муаммолардан холи, ишчанлик кайфиятида бўлиши керак, — деди Нодирахон бир куни ҳузуримга кириб. — Мактабимизда ўқитувчилар учун «Дам олиш хонаси» ташкил этмоқчиман. Шуни жиҳозлашда ёрдам берсангиз.

Талабни ўрганиб чиқиб, туман бирлашган қўмитаси томонидан 1 млн. 850 минг сўм миқдорида маблағ ажратдик. Мактаб маъмурияти ҳам қараб турмади. Бугун 107-мактабда дам олиш хонаси бор. Бу ерда ўқитувчи дарс соатлари оралиғидаги вақтни мазмунли ўтказади, дам олади.

Мактабда кўркам боғ яратилиб, ниҳоллар орасига беда экилди. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси етиштирилган бедани кам таъминланган педагог ходимларга тарқатди.

Ҳомийлик ва васийлик кенгашлари аъзоларидан ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, ўқув йили арафасида ҳар бир синфхона таъмирланди.

Касабақўм ходимларнинг фарзандларини соғломлаштириш ишларига ҳам жиддий ёндашади. Жорий йилда 20 нафар ўғил-қиз ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқариб, шундан 4 нафари маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси саъй-ҳаракати билан бепул дам олди.

Ходимлар касаба уюшмасининг спорт тадбирларида фаол қатнашади.

Нодирахон мактаб маъмурияти билан ходимларнинг компютер саводхонлигини оширишни ҳам йўлга қўйган. Айни пайтда дарслар давом этмоқда. Декабр ойида ҳар бир ходим бу борада олган билими бўйича имтиҳон топширади.

Байрамлар арафасида кам таъминланган педагогларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатиш анъанага айланган. Яқинда ўқитувчилар Анора Нажимова, Раъно Рустамова, Сабоҳат Эргашева, Маъмура Ниёзованинг пенсияга чиқиши муносабати билан уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, совғалар топширилди.

Жорий йилнинг апрелида Қарши шаҳрида ўтган тармоқ касаба уюшмасининг минтақавий ўқув-семинари иштирокчилари Шаҳрисабз ва Китоб туманига ҳам ташриф буюришганди. Етакчилар бу ерда Нодира Эргашеванинг иш услуби билан яқиндан танишиб, ундаги ижобий жиҳатларни ўз фаолиятларида татбиқ этишга қарор қилишди.

Нодира Эргашева 2010 йилда ўтган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби саналади. Айни пайтда изланувчан касабақўм Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 19 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган навбатдаги тадбирга қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

**Саъдулло АБДУЛЛАЕВ,**
**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз туман бирлашган қўмитаси раиси**



**«Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиум иштирокчилари 27 ноябр куни Самарқанд шаҳрини зиёрат қилдилар.**

**Пиетро МАЛАРА, Италия соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари:**

— Ўзбекистонга келиб, кўнгли очиқ, меҳмондўст одамлари билан суҳбатлашиб, унга ихлосим жуда ошди. Юртингизнинг тарихи қанчалик буюк ва бой бўлса, бугуни ҳам шунга муносиб эканига ишонч ҳосил қилдим. Халқингизнинг муомала маданияти, моҳир ҳунармандлар нозик дид билан ишлаган бетакрор буюмлар, уста пазандалар тортиқ қилган миллий таомлар бир умр ёдимда қолади.

Ўзбекистонда бошқа соҳалар қатори темирйўл тармоғини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилаётгани таҳсинга сазовор. Самарқандга «Afrosiyob» электропоездида бориб келдик. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, юқори тезликда ҳаракатланадиган ушбу транспорт воситасида йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган. Ҳаво совуқ бўлишига қарамай, поезддаги мўътадил ҳароратнинг барқарор таъминланиши менга ғоят маъқул бўлди. Салонларнинг қулайлиги, ходимларнинг кийиниши ва муомала маданияти ҳам бизга кўтаринки кайфият бағишлади.

**Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат**

# Имтиёзлар тадбиркорлик ривожига хизмат қилмоқда

***Кичик бизнес ихчам ва ҳаракатчан механизм ҳисобланади. Айниқса, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши туфайли унинг мамлакат иқтисодиётида қанчалик муҳим ўрин тутиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида намоён бўлди. Хусусан, мамлакатимизда инқирозга қарши чораларни изчил амалга ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини кўпайтиришда ушбу соҳа ривожи алоҳида аҳамият касб этмоқда.***

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар соҳа вакилларининг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Жумладан, Давлатимиз раҳбарининг «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан тадбиркорлик субъектлари учун қатор солиқ ҳамда божхона имтиёзлари ва преференциялардан фойдаланиш имконияти яратилди. Имтиёзлар туфайли бўшаб қоладиган маблағлар корхоналар томонидан янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, соҳани модернизациялаш, реконструкция қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом-ашё ва материалларни сотиб олиш, кредитларни қоплашга йўналтирилмоқда.

Мисол учун, Сергели тумани Давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтган «Ground biznes making» корхонаси 2010 йилда солиқ имтиёзлари қўлланилиши натижасида ўз ихтиёрида қолган маблағлар ҳисобига корхонани модернизациялаш, янги асбоб-ускуналар келтириш ва қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун 102.9 млн. сўм сарфлаган. Бу маҳсулотлар сифати яхшиланиши ва ишлаб чиқариш ҳажми ортишида муҳим омил бўлмоқда.

**А. РАҲИМОВ,**
**Сергели туман ДСИ бўлим бошлиғи**

**Ўзбекистон савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси ҳамда Ўзбекистон енгил, мебел саноати, коммунал ва маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашларининг қўшилиши муносабати билан уларнинг фаолияти тўхтатилди.**

**Ушбу икки собиқ Марказий касаба уюшмалари кенгашларига эътироз ва бошқа мурожаатларни бир ой муддат ичида Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси 45-уйда жойлашган Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашига билдиришингиз мумкин.**

**Телефонлар: 281-51-83, 281-51-84, 281-51-86**

Insonga naf keltirish - oliy baxt

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A. Abdullayev

Navbatchi: S. Abdurahmonov

Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.30
Topshirildi - 22.00

Буюртма Г — 1111

12968 nusxada bosildi

1 2 3 4 5